

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2019 йил апрель ойининг 4 куни, жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг очик сайёр суд мажлиси Уйчи туманида жойлашган 6-сонли вақтинча сақлаш ҳибсхонаси мажлислар залида бўлиб, вилоят судининг судьяси А.Ғаппоровнинг раислигида, халқ маслахатчилари Х.Шахобиддинов ва Х.Исақовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси А.Паязовнинг котиблигида, Наманган вилоят прокуратураси бўлим прокурори Б.Ғуломов, жабрланувчи [REDACTED], жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED], судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат Х.Ҳакимқулованинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми “г,л” бандлари, 25,97-моддаси 2-қисми “а,г,л,о,р” бандлари билан айбланган [REDACTED] ни айблаш ҳақидаги жиноят иши кўрилди.

[REDACTED], 1994 йил 4 ноябрда Наманган шаҳрида туғилган, миллати турк (ўзбек тилини яхши билади), Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, уйланмаган, муқаддам:

- 1.Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2012 йил 1 июндаги ажримига кўра, Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши Жиноят процессуал кодексининг 66¹-моддаси асосан тугатилган,
- 2.Жиноят ишлари бўйича Поп туман судининг 2013 йил 28 сентябрдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 104-моддаси 1-қисми билан ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган,
- 3.Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2016 йил 16 сентябрдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 104-моддаси 2-қисми, 104-моддаси 3-қисми билан 59-моддаси тартибида 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, 2016 йил 12 октябрдаги амнистия қарорига асосан жазо учдан бирига қисқартирилган,
- 4.Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2016 йил 16 сентябрдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми билан 3 йил озодликни чеклаш жазосига судланган,
- 5.Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2016 йил 7 ноябрдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 266-моддаси 2-қисми билан 59-моддаси 8-қисми тартибида 3 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 3 йил озодликни чеклаш жазосига судланган,
- 6.Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2017 йил 8 августдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 104-моддаси

2-қисми “е” банди билан 60,61-моддалари тартибида 3 йил транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят кассация инстанция судининг 2018 йил 10 июлдаги ажрими билан 104-моддаси 2-қисми “е” банди шу модданинг 1-қисмига қайта квалификация қилиниб, 60, 61-моддалари тартибида 3 йил транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига келтирилган, жиноят ишлари бўйича Охангарон туман судининг 2018 йил 6 августдаги ажримига кўра, 73-моддаси тартибида ўталмаган жазонинг 2 йил 3 ой 3 кунидан муддатидан олдин шартли равишда озод қилинган, Наманган шаҳри, [REDACTED] да яшаган, 2018 йил 30 октябрдан камоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасини ўз вақтида олган.

Суд ҳайъати жиноят иши бўйича судланувчи, жабрланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакили, гувоҳларнинг кўрсатувларини, прокурор, адвокатнинг фикрини, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, уларни жиноят ишидаги ҳужжатлар асосида текшириб, муҳокама қилиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи [REDACTED] 2018 йил 27 октябрь куни соат 20:00ларда Наманган шаҳрида жойлашган “Барлос” ошхонасининг спиртли ичимликлар сотиш жойида спиртли ичимлик истеъмол қилиб турганида, спиртли ичимлик сотиб олиш мақсадида кирган [REDACTED] билан ҳеч бир сабабсиз ўзаро жанжаллашаётган вақтда, дўконга [REDACTED] кириб, Н.Кибаров билан ўзаро тортишиб қолган.

Шундан сўнг улар ташқарига чиқишиб, келишмовчиликни ўзаро ҳал қилмоқчи бўлишганида, [REDACTED] бундан ғазабланиб, гуёки улар икки киши бўлгани ҳолда ташқарига уни олиб чиқиб уришмоқчи бўлганликда гумон қилиб, [REDACTED] ва [REDACTED] [REDACTED] стол устидаги пичоқни олиб, ҳеч бир сабабсиз дастлаб, Ж.Жанобиддиновни кўкрак соҳасига зарб билан бир марта пичоқ уриб, ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати етказган. Натижада [REDACTED] ҳодиса жойида вафот этган.

Шундан сўнг, [REDACTED] ни ҳам қасддан ўлдириш мақсадида унга кўлидаги пичоқ билан ташланган вақтда, [REDACTED] ўзини химоя қилиб, кўлидаги пиво бутилкаси билан уни юз қисмига бир маротаба уриб, ерда мавжуд тошларни улоқтириб, фаол қаршилик кўрсатишига қарамай қорин соҳасига пичоқ билан бир марта уриб, [REDACTED] ни фаол қаршилиги натижасида, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноятни охирига етказа олмай, воқеа жойидан қочиб кетган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 513-сонли хулосасида, [REDACTED]нинг ўлимига кўкрак соҳасида жойлашган кўкрак бўшлиғига кириб бориб, аортани шикастлаган санчилган-кесилган жароҳати ва унинг натижасида ўткир ички ва ташқи қон кетиши сабаб бўлгани кўрсатилган.

2018 йил 6 ноябрдаги 8350/6658-сонли хулосасида, [REDACTED]га соғлигини бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати етказилгани кўрсатилган.

Суд мажлисида сўралган судланувчи [REDACTED] айбига қисман иқроор эканлигини билдириб, 2018 йил 27 октябрь куни ўртоғи Исломни бўлажак келинига совға ташлаб келиш учун Чортоқ тумани марказига боришгани, кейин ўртоғи Дилмурод билан Наманган шаҳридаги “Барлос” номли ошхонага боришгани, у ерда 3 марта 50 граммдан 150 грамм ароқ ичгани, шу пайтда унга кўз таниш бўлган [REDACTED] ва [REDACTED] кириб келгани, улар билан саломлашганида, [REDACTED] од елкасига ғашига тегадиган тарзда қўлини силтаб қўйгани, шунда унга кичкиналигида ҳам уни урганини айтганида, [REDACTED] киноя билан “жажда қиляпсанми?” деганлигини, шунда Жомиддин “танимадингми” деб сўраганида, уни танимаганлигини айтгани, Жомиддин ўзини таништириб қўйишини айтиб шимини кўтарганида унда пичоқ бор деб гумон қилгани, кейин ташқарига чиқишганида шашлик кўрани олдидаги столни устидаги пичоқни олиб [REDACTED]ни юрак соҳасига бир марта зарб билан ургани, кейин [REDACTED]ни ҳам қорин соҳасига пичоқ билан бир марта ургани, шунда [REDACTED] тош улоқтириб, қаршилиқ кўрсатгани, кейин воқеа жойидан қочиб кетгани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўралган жабрланувчининг қонуний вакили С.Жўраев марҳум [REDACTED] фарзанди экани, ўғли “Чорсу деҳқон бозори”да паттаци бўлиб ишлагани, ўғлини судланувчи [REDACTED] пичоқлаб, ўлимига сабабчи бўлгани, шунинг учун унга қонунда белгиланган жазони берилишини, унга етказилган моддий ва маънавий зарарлар юзасидан даъвоси йўқлиги билдириб кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўралган жабрланувчи [REDACTED] 2018 йил 27 октябрь куни таниши [REDACTED] билан “Ифода” газ қуйиш шаҳобчасидан автомашинасига газ қуйиб, Наманган шаҳри, Гўзал даҳасидаги “Барлос” ошхонасига етиб келганларида Жомиддин унга сув олволишини илтимос қилгани, шунда у ҳам пиво сотиб олишини айтиб биргаликда ошхонага киришгани, ошхонанинг барида таниши [REDACTED] юзлари кизарган ҳолда ўтирганини кўргани, ундан нима бўлганини сўраганида акалари урганини айтгани, кейин Жомиддин ҳам барга кириб, [REDACTED]га камоқдан қачон келганини сўраганида, у “кеча келдим” деб жавоб бергани, шунда улар тортишиб кетишгани, шунда [REDACTED]га Н [REDACTED] билан тенг келмасликни, бу ердан кетишни айтиб, бардан чиқишганида, [REDACTED]м аввал [REDACTED]га, кейин унинг қорин қисмига пичоқ билан бир марта ургани, [REDACTED]ин шу ернинг ўзида вафот этгани, ўзини ҳозирда

соғлиги яхши экани, [REDACTED] га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, унга етказилган моддий ва маънавий зарарлар юзасидан даъвоси йўқлиги билдириб кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўралган гувоҳ [REDACTED] Наманган шаҳрида жойлашган “Барлос” номли ошхонада салатчи бўлиб ишлашини, 2018 йил 27 октябрь куни [REDACTED] исмли бола оғайнилари билан ошхонанинг 14-сонли хонасига кириб спиртли ичимли истеъмол қилгани, кейин Назимни акалари келиб олиб кетгани, шу куни кечки пайт соат 20:00ларда аёл кишини “қўлида пичоқ бор экан” деб бақирганини эшитиб, ташқарига чиққанида шашлик кўра томондан қўлида қонга беланган пичоқ бўлган [REDACTED] билан юзма-юз келиб қолгани, шунда орқага бир қадам ташлагани, [REDACTED] магазин томонга кетгани, шунда [REDACTED] келган томонга қараганида [REDACTED] қонга беланган ҳолда ётганини кўргани ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўралган гувоҳ [REDACTED] Наманган шаҳрида жойлашган “Барлос” номли ошхонада бармен бўлиб ишлашини, 2018 йил 27 октябрь куни соат 20:00лар чамасида [REDACTED] кириб келгани, у [REDACTED] м билан яхши муомилада бўлиб сўрашгани, лекин Назим у билан кўпол муомилада бўлиб сўрашди, кейин улар ўзаро тортишиб қолишгани, кейин [REDACTED] кириб келгани ва [REDACTED] дга қараб “тортишмаслигини Назим ўзи тенкур эканлигини” айтиб, [REDACTED] чиққанини” айтганида, ундан “тўғри сўраётганини” айтгани, кейин [REDACTED] дин кийимларини тўғрилаётганида Назим ошнасига “катта пичоқ олиб кел” деб айтгани, лекин унинг ошнаси айтганини қилмагани, шунда Жомиддин унга қараб “пичоқ сўрадимми” деганини, кейин [REDACTED] м, Д [REDACTED] ва Ж [REDACTED] ташқарига чиқишгани, уларни тортишувини кўриш учун ташқарига чиққанида Жомиддинни ерда қонга беланган ҳолда ётганини, Дилмурод Н [REDACTED] тош отаётганини кўргани ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўралган гувоҳ [REDACTED] 2018 йил 27 октябрь куни соат 17:00ларда ўзи раҳбарлик қиладиган Наманган шаҳар, Сихатгоҳ МФЙда жойлашган “Барлос” ошхонасининг спиртли ичимлик сотадиган “бар”ида Назим спиртли ичимлик истеъмол қилиб турганини кўргани, у ташқарига шашликчи [REDACTED] ни олдиға чиққан вақтида, [REDACTED] од ва Ж [REDACTED] р ошхона ичкарасига кириб кетишганлиги, тахминан 3 дақиқа ўтиб ошхона ичкарасига кирганида, [REDACTED] м ва Д [REDACTED] д ўзаро гап тортишиб турганлиги, шу вақтда дўконга Жомиддин кириб келганлиги, кейин тортишаётган [REDACTED] ва [REDACTED] ни ёнига бориб, [REDACTED] од ва Назимга қараб “тортишмаларинг”-деб, ўзини шимини тўғрилаётган вақтида [REDACTED] ўзининг ёнидаги ошнаси [REDACTED] рига чиқиб машинадаги катта пичоқни олиб кириб бер”-деганлиги, шу пайт Жомиддин Назимга қараб “мен сендан пичоқ сўраганим йўқ”-деганлиги, Дилмурод пивони олиб, Назимга қараб кўчага юришини айтиб, дўкондан ташқарига чиқиб кетганлиги, орқасидан Жомиддин ва Назим ташқарига чиқишгани, у эса

уларни орқасидан ташқарига чиққани, улар ошхона ёнидаги шашлик пиширадиган жойни ёнидан ўтиб кетишаётганида, [REDACTED] [REDACTED] гда пичоқни олиб уларни орқасидан юриб, шашлик пиширадиган жойни ёнидаги сомса пиширадиган тандирни ёнидан ўтаётиб, Жомиддинга қараб, “Сизга нимадир қилиш керакми”-деб уни кўкрак қафасига бир маротаба зарб билан пичоқни текиб олгани, буни кўриб кўрқиб кетгани, кейин Назим кўлида пичоқ билан кимнидир қидириб, у ёқ бу ёққа қарагани, у орқага ошхонага кириб яна қайтиб чиққан вақтида Дилмурод Назимга тош улоқтираётгани, кўчани ўртасида Жомиддин ерда кон ҳолатда ётганги, Назим эса кўлида пичоқ билан кимгадир “кеттик-кеттик”-деб, кўча тарафга қараб қочгани, Д [REDACTED] “тез ёрдам чақиринглари” деб бақиргани ва у, Д [REDACTED] д, О [REDACTED] ва Ж [REDACTED] р билан биргаликда Жомиддинни автомашинага юклаб, шифохонага олиб боришгани, Назим Жомиддинни пичоқлаганини кўзи билан кўргани ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўралган гувоҳ [REDACTED] “Барлос” ошхонасида шашлик пиширувчи вазифасида ишлашини, 2018 йил 27 октябрь куни кечки пайт соат чамаси 20:00 ларда [REDACTED] ва Ж [REDACTED] исмли мижозлар ўзаро тортишиб кетишганлиги, шу вақтда у шашлик пиширадиган жойнинг ичида шашлик пишираётгани, ушбу жойни ёнидаги тандирни олдида унга аввалдан таниш бўлган [REDACTED] м [REDACTED] н билан ўзаро тортишиб, Жомиддинга қараб, уни елкасидан ушлаб “Сизга нима қилиш керак ўзи ака”-деб унинг танасининг юрак соҳасига бир маротаба кўлидаги пичоқ билан урганини кўргани, кейин [REDACTED] и шериги [REDACTED] ни ҳам бир маротаба ургани, шунда одамлар бақир-чақир қилиб юборгани, у кўрқиб кетиб ошхона ичкарасига қочиб кириб кетгани ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи [REDACTED] нинг жиноят содир этганликдаги айби, [REDACTED] нинг айбига қисман иқрор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчи [REDACTED], жабрланувчининг қонуний вакили С [REDACTED], гувоҳлар [REDACTED] нинг кўрсатувлари, юзлаштириш баённомаси, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, мурдани кўздан кечириш, нарсани кўздан кечириш, автомашинани кўздан кечириш баённомалари ва илова қилинган фотоиловалар, суд-тиббий, биологик, кимёвий, криминалистик, дактилоскопик экспертиза хулосалари ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар билан исботланган.

Суд хайъати, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] нинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “л” банди, 25, 97-моддаси 2-қисми “а,л” бандлари билан тўғри квалификация қилинган бўлсада, лекин унинг жиноий ҳаракатлари ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “г” банди, 25,97-моддаси 2-қисми “г,о,р” бандлари, билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 32-моддасида умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран жиноят деб топилмаслиги кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли қарорининг 6-бандида, икки ёки ундан ортиқ шахсни ўлдириш, агар айбдорнинг ҳаракатлари ягона қасд билан қамраб олинган ва одатда бир вақтнинг ўзида содир этилган бўлса, ЖКнинг 97-моддаси иккинчи қисмининг “а” банди билан квалификация қилиниши кераклиги, 19-бандининг иккинчи қисмида, қасддан одам ўлдириш жинояти ЖКнинг 97-моддаси иккинчи қисмининг “о” банди билан квалификация қилинганда, айбдорнинг ҳаракатларини мазкур модда иккинчи қисмининг бошқа мақсад ва сабабларини назарда тутувчи яна бирон-бир банди билан квалификация қилишга йўл қўйилмаслиги, масалан, агар жабрланувчи таъмагирлик ниятида ёки безорилик оқибатида ўлдирилганлиги аниқланса, қилмиш айти бир вақтнинг ўзида ЖКнинг 97-моддаси иккинчи қисмининг “о” банди билан квалификация қилиниши мумкин эмаслиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра [REDACTED] жабрланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] ни ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариш муносабати билан қасддан ўлдирганлиги ва ўлдиришга суиқасд қилганлиги ҳолати етарли далиллар билан исботланмаган.

Судланувчи [REDACTED] арзимаган сабаблар билан, безорилик оқибатида бир вақтнинг ўзида кўлидаги пичоқ билан аввал [REDACTED] вга, кейин [REDACTED] га жароҳат етказган. Натижада Ж. [REDACTED] олган жароҳати туфайли вафот этган [REDACTED] эса соғлиғини бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати олган.

Юқоридагиларга кўра, судланувчи [REDACTED] нинг айб эпизодидан ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “г” банди, 25,97-моддаси 2-қисми “г,о,р” бандларини чиқариш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 27-бандида, қасддан одам ўлдириш учун жазо тайинлашда ушбу жиноят содир этилишидаги барча ҳолатлар: қасд тури, қотиллик сабаблари, мақсади, усули, жиноят содир этилган вазият ва жиноят босқичи, шунингдек, айбдорнинг шахси, униг ўз қилмишига муносабати, жазони

енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар эътиборга олинishi зарурлиги, айна пайтда жабрланувчининг шахсига оид маълумотлар, унинг судланувчи билан ўзаро муносабатлари, шунингдек, қотиллик содир этилмасдан олдинги ҳулқ-атвори ўрганилиши лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд ҳайъати юқоридаги Пленум қарорларидаги тушунтиришларга риоя қилиб, судланувчи [REDACTED] га жазо тури ва миқдорини белгилашда қилмишидан пушаймонлиги, уйланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, уни муқаддам судланиб, судланганлиги ҳолати тугалланмасдан қасддан спиртли ичимликдан маст ҳолда жиноят содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиб, содир этган жиноятининг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, унга нисбатан у айбланаётган моддалар санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни лозим топади.

Суд ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодесининг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб,

Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми “л” банди, 25,97-моддаси 2-қисми “а,л” бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми “л” банди билан 19 (ўн тўққиз) йил, 25,97-моддаси 2-қисми “а,л” бандлари билан 15 (ўн беш) йил, 59-моддаси тартибида 19 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жиноят кодексининг 60, 61-моддаларига асосан жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди кассация инстанциясининг 2018 йил 10 июлдаги ажримига кўра тайинланган транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини тўла, жиноят ишлари бўйича Охангарон туман судининг 2018 йил 6 август кунги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддаси тартибида шартли равишда озод қилинган 2 йил 3 ой 3 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосини қисман кўшиб, узил-кесил 3 йил транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 20 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати 2018 йил 28 октябрдан бошлаб ҳисобланиб, жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўтатириш белгилансин.

Судланувчи [REDACTED] га нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси аслича қамоқда қолдирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, ашъвий далил сифатида олинган 1 дона пичоқ, воқеа жойидан олинган қон доғи намуналари, жабрланувчи [REDACTED] нинг эғнида бўлган қора рангли жемфери, бир дона қора рангли шими, бир дона қора рангли тасмаси, бир жуфт қора рангли туфлиси, бир жуфт пайпоғи, судланувчи [REDACTED] нинг эғнида бўлган бир дона қора

рангли жемфери, бир дона қора рангли шими, бир жуфт қора рангли туфлиси белгиланган тартибда йўқ қилинсин.

Жабрланувчи [REDACTED] нинг эғнида бўлган “sensipe” ёзувли жемфери, “син” ёзувли шими, оқ рангли майкаси, кўк рангли трусиғи, бир жуфт қора рангли пайпоғи қонуний вакил [REDACTED] а қайтарилсин.

Тергов ҳаракатлари тасвирланган 4 дона ДВД дисклар иш ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

[REDACTED] га ишончнома асосида бошқарувида бўлган Наманган шаҳар ИИО ФМБ ЙХХГ жарима майдончасида сақланаётган Ласетти русумли, 50G 553NA давлат рақамли автомашина ўзига қайтарилсин.

Жабрланувчи [REDACTED] га ва жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] га келгусида жиноят иши бўйича моддий ва маънавий зарани ундириш истағи вужудга келса, зарарни тасдиқловчи ҳужжатларни жамлаган ҳолда тегишли фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқлари борлиғи тушунтирилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида, жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг кассация инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

имзо

А.Ғаппоров

Халқ маслаҳатчилари:

имзо

Х.Шахобиддинов

имзо

Х.Исаков

“Ҳукм нусхаси аслига тўғри”

Вилоят суди судьяси

А.Ғаппоров